

Муслим МУСАЛЛАМ



ҲАЙРАТ

Шеърлар

«Наманган» нашриёти-2006

БАХТИМ

Ёмон билан юрмайин,
Ёмон ишлар қилмайин.
Ўз номимни сотмайин,
Яшадимми шу бахтим.

Ҳалол луқмадан тотиб,
Шайтонга тошлар отиб.
Дилда ишқни уйғотиб,
Яшадимми шу бахтим.

Тангрим берди забонни,
Ҳам ишқни, ҳам иймонни.
Алдамасдан дўст-ёрни,
Яшадимми шу бахтим.

Бехудага сўзламай,
Ҳаром молни кўзламай.
Бирор ишни ўйламай,
Қилмадимми шу бахтим.

Ғариб бўлдим ишқида,
Мудом бўлиб амрида.
Эзгуликнинг руҳида,
Яшадимми шу бахтим.

Майсада меҳр, майсада юрак,
Ҳайрат ичинда тикилиб қолдим.
Саболар майин эсганда боғда,
Йўлларга оҳ деб тўкилиб қолдим.

Майсада меҳр, майсада юрак,
Шивирлашамиз кундузлар аста.
Дилдаги ғубор ювилиб кетар,
Хонишлари эҳ дилимдай хаста.

Майсада меҳр, майсада юрак,
Санолар айтар, тонгда у Ҳаққа.
Ибрат ҳам бўлар ишқ не билмаган,
Қалбида зарра, тавбаси йўққа.

ЁМҒИР

Шилдирайди тарновда
Озод ёмғир, хур ёмғир.
Кўксимдаги ғуборим
Кел энди бир юв ёмғир.

Мусичалар мудрайди
Хўл қанотин силкитиб,
Синчалаклар жим қолган
Ўзни пана беркитиб.

Ҳайратларда қолдиму
Дилдан қилдим дуолар,
Ва кафтимга бош қўйди
Ғир-ғир эсган саболар.

ОҒРИҚ

«Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар»
Роуф Парфи

Ёмғир ёғар, киприкларим нам,
Термуламан аста борлиққа.
Кўксим эса чидай олмайди,
Юракдаги қаттиқ оғриққа.

Бармоқларим бежон, бемажол,
Ташқарида ёмғир шивири.
Титраётган дилим айтади,
Қани сенда ёшлик сурури.

Кўзларимда соғинч-томчи ёш,
Мажнунтоллар йиғлар дардимга.
Сукунатни бузиб ташлаган,
Оғриқли сўз келар бўғзимга.

КҮНГИЛ

Эй кўнгил майсалар саргайди бугун,
Хазонлар телвираб учяпти қайга.
Иккимиз хўрсиниб қараймиз кўкка,
Дардимиз огиру дармон йўқ нега.

Куз келди, қошида армонли ўйлар,
Турналар учяпти бизлардан йироқ.
Бўғзимда согинчим титрайди беҳол,
Ёлғизлик бизларга очмоқда кучоқ.

Эй кўнгил иккимиз қоляпмиз ёлғиз.

ИШҚИНГДАН

Гулларга кўмилиб қолди хаёлим,
Кўкларга интилди руҳим баралла.
Тавоним излари тушди йўлингга,
Овозим қайларга кетди тарала.

Қизғалдоқ юзида қолди ўйларим,
Мусаффо борлиққа чўмди бу дилим.
Юрагим ишқингга ташна бир кўза
Шул кўза ишқингдан тўлсин лиммо-лим.

СОҒИНЧ

Катта ҳаёт йўлида,
Саҳросию чўлида,
Ғарибликнинг қўлида,
Ота сизни соғиндим.

Ёш қалқийди кўзимдан,
Соғинч ёғар сўзимдан,
Гоҳ ранжийман ўзимдан,
Ота сизни соғиндим.

Ҳам яқинсиз, ҳам йироқ,
Кўнгилни эзар фироқ,
Қийин сизсиз яшамоқ,
Ота сизни соғиндим.

ДЎСТИМГА

Алдамчига кунинг тушмасин,
Ростгўйларни қидир дунёдан.
Бир яхшига бошни эккину
Олиб қочгил ўзни риёдан.

Ғар берилсанг хирсу нафсингга,
Томирингда шайтон олар тин.
Қадам босма ёмон йўлларга,
Олма ишқнинг қаттиқ қарғишин.

Яхшиликни кўнгил кўмсасин,
Ҳайратла боқ олам рамзига.
Малол олма дўстим сўзимни,
Ва ошно бўл Муслим назмига.

ИШҚ

Чувриткалар ноласи
Япроқларга урилган,
Тунда йиғлар ошиқлар,
Ором бундан қувилган.

Ишқ майига ташналик,
Қақраб ётган лабларда,
Ёрнинг васфи айтилу
Йиғлаётган қалбларда.

Фаришталар қувониб,
Умматий дер, умматий.
Пойларида сирпанур,
Қаро туннинг зулмати.

ОТАМГА

Ота гўзал дард ётар
Кўзларимни тўрида.
Мен қалбимни покладим,
Ҳидоятнинг нурида.

Яссавийлар пиримдур,
Дунё дунда йўлим бор.
Аллоҳ деган бўғзимда,
Муқаддас бир сўзим бор.

Дилни қийнаб яшайман,
Ёр ҳажрининг доғида.
Ўглинг энди ғариб ҳол,
Ўн саккиз ёш чоғида.

ЮКСАЛИШ

Эзгуликнинг эшикларин оч,
Хиёнатнинг эшикларин ёп.
Бу беш кунлик дунё бағрида,
Орзуларинг бўлмасин сароб.

Қаро туннинг остонасида
Кўзларингдан ёғар бўлса ёш.
Ҳақни эслаб сажда қилгилу
Ўзгасига эгилмасин бош.

Ҳаёлингдан шайтонларни қув,
Риё юққан тўнларингни еч.
Фисқу фасод шодон ерларга
Оёғингни босиб юрма ҳеч.

ОДАМЗОТ

Ҳар не дамга кўникади одамзот.
Гулжамол Асқарова

Ҳаётда ўз ўрнин топсин одамзот
Гуноҳин савобла ёпсин одамзот.
Риёга берилмай ғариб дунёда,
Зар тўнин эғнидан отсин одамзот.

Саждага бошини қўйиб йиғласин,
Аллоҳни қалбидан суйиб йиғласин,
Йиғласин, майлига, тўйиб йиғласин,
Шайтоннинг макридан қочсин одамзот.

Ибодат қилмоқчун ҳилват изласа,
Кўксига нур туриб зулмат кўзласа.
Агарки дунёдан ҳикмат изласа,
Аллоҳнинг каломин очсин одамзот.

Ирфонинг нуруни сочсин одамзот.

ТОАТ

Сабо чертди ойнакларимни,
Дил ёришди бундай ҳолатдан.
О кўнглима, бирам яйради,
Тунда қилган қутлуғ тоатдан.

Оқ пардалар беҳол тебранди,
Сукунатни бузди садолар.
Яна сенла суҳбат қурмоққа,
Келди ишққа ташна гадолар.

ДУНЁДАН

Ишқ шаробин ичганча,
Васлингга зор ўтганча,
Дил дардимни ютганча,
Ўтаяпман дунёдан.

Ғариб кўнгил кўксимда
Номинг турар бўғзимда,
Сени асраб кўнглимда,
Ўтаяпман дунёдан.

Ҳаёт ўзи каттакон,
Синалгувчи бир макон,
Гоҳ ишқингда зор сарсон,
Ўтаяпман дунёдан.

Бугун Қуръон қўлимда,
Шайтон йиғлар йўлимда.
Аллоҳ номинг дилимда,
Бандам дегин, ё Раббий.

Дунё ёлгон йўл экан,
Ташвишлари мўл экан.
Сендан кетган кўр экан,
Бандам дегин, ё Раббий.

Ҳузурингда ожиз дил,
Бир калима истар тил.
Сен Раҳмонсанку ахир,
Бандам дегин, ё Раббий.

Туманли чошгоҳдан бораман юриб,
Оёғим излари тушади ерга.
Майсалар санолар айтаётган пайт
Ҳидоят йўлини кўрсатинг менга.

Шайтоннинг занжинин ташладим узиб,
Дунёга юзимни бурмайин сира.
Кўнгилни покиза ойнақларини
Нафсимнинг тўзони этмасин хира.

Умматлар ичинда ҳижолат чекмай,
Иймоннинг нурлари ёритсин дилни.
Худойим, ёдимдан чиқариб қўйма,
Охириги манзилим, Қиёмат кунни.

Пешонамда зарра нур,
Қобирғамда титрар жон.
Ишқ элида зор ўлдим,
Кел бир овут, онажон.

Тош йўлаклар ғажийди,
Товонимнинг гардини.
Ул нокаслар билмади
Мен ғарибнинг дардини.

Ўшал тонгда самога,
Етиб борди нидойим.
Менга ошиқ мақомин
Насиб этди Худойим.

Шукр, дедим, йигладим,
Қобурғамда титраб жон.
Ишқ элида зор ўлдим,
Кел бир овут, онажон.

ФАҚИРЛИГИМ – ФАХРИМДУР

Фақирлигим - фахримдур
Суюклигим Раббимдур.
Кўнглим Сиру Жайхундур,
Мен ғариб бир шоирман.

Қалимадан тилим лол,
Дилим бўлди баркамол.
Кимдурсанг деб сўрсанг ҳол,
Мен ғариб бир шоирман.

Қалбимда пок иймоним,
Фақат Ҳақдир суйгоним,
Шеърим менинг сиймойим,
Мен ғариб бир шоирман.

ДИЛИМ

Дил, о дилим, дилимо,
Нечун тонглар йиғладик.
Ҳамма жаҳона сиғди,
Биз жаҳона сиғмадик.

Англаб қолдик Машрабнинг,
Қалбдан тўккан зорини.
Йўқ деб билдик дунёнинг,
Кўзла кўрган борини.

Асли кўнгил ҳақиқат,
Яшадик биз руҳ ила.
Энди ёлғон бу дундан,
Ўтажакмиз ишқ бирла.

Алмийсоқдин буён Муслимман,
Дили ўтда тугён Муслимман.
Манинг ҳолим ғариб хол аммо,
Танда ишқи осмон Муслимман.

Ишқ йўлида қурбон қил дебон,
Ҳижронингда сарсон қил дебон.
Шайтонларға армон қил дебон,
Қалбада оҳи дoston Муслимман.

«Бале» сўзин айтиб йиғлаган,
Эзгуликка қайтиб йиғлаган.
Маржон ёшин артиб йиғлаган,
Дили тошқин, уммон Муслимман.

ЯССАВИЁНА

Қайроқ тошлар тавонимни тилиб кетди,
Кибру риё аҳволимга кулиб кетди.
Минг шукурки, имон қалбга тўлиб кетди,
Юрагимга ҳақ ишқини жо айласам.

Тунда бедор бўлганимда кўксимда нур,
Пирлар сўзи юрагимга берар ҳузур.
Хижронида жон ўртанур, тан ўртанур,
Юрагимга ҳақ ишқини жо айласам.

Энди кўзим ёшлиғ ғариб ҳолим мани,
«Ишқ!», деди бул танда титраб жоним мани.
Фақирлигим кўксимдаги шоним мани,
Юрагимга ҳақ ишқини жо айласам.

ТУПРОҚ

Шавкат Раҳмон хотирасига

Умр ўтгандай, ёшлар тўлгандай
Икки кўзиммиз қўргонларига,
Бир қуни кулиб кетамиз эркам
Фаришталарнинг осмонларига.

Йиғлаб юборма ногаҳон тонгда,
Ёдимла келган турналарга боқ,
Сандин жонингни сўраб келсалар,
Жоним менинг де тупроқдир тупроқ.

БИР КУН

Бандаргоҳга келган умматлар,
Дин учун жон берган умматлар.
Расулини севган умматлар,
Ё Мустафо сўрарлар сизни.

Жамолингиз кўрмоқчун зорлар,
Ҳалқангизда бўлмоқчун зорлар.
Ҳабибим деб ўлмоқчун зорлар,
Ё Мустафо сўрарлар сизни.

Қибла сари юзин бурганлар,
Исмингизни кўзга сурганлар.
Ибодатда қойим турганлар,
Ё Мустафо сўрарлар сизни.

Зир титратди тавоним
Нурдир икки томоним
Ҳақ деб турар забоним
Дилда «Алиф лом» бўлди.

Қаён борай бош уриб,
Кўзларимда ёш туриб,
Дунё сириг фош бўлиб,
Пастлар сенга ром бўлди.

Тиконзордир ётганим,
Бода бўлди тотганим,
Дунё келиб топганим
Шоир деган ном бўлди.

ТҮРТЛИКЛАР

Мен ғарибман, эгнимда
Ғарибликнинг кўк тўни.
Бу титроқи руҳимдан,
Учирманг ишқ ўтини.

Руҳим ҳайқирди, нидо деб келдим,
Ишқ учун бу жон фидо деб келдим.
Гўдакликданоқ ингроқларимда
Бир ўзинг борсан, Худо деб келдим.

Ҳаргиз ўзингни риёга берма,
Қалбдаги ишқинг рўёга берма.
Санинг пок дилинг Аллоҳникидир,
Асло сен уни дунёга берма.

Хаста жонимга маломат бўлди,
Ибодат қилсам, ҳаловат бўлди,
Кўксимдан нафсни қувиб солувдим,
Шул тонг дуойим ижобат бўлди.

Эй ўғил, отангни сўзини тингла,
Мудом қулоқ тутгил онанг зорига.
Дўппингни бошингдан олиб, бир ўйла,
Ярай оляпсанми Ватан корига.

МУНДАРИЖА

Бахтим.....	3
Майсада меҳр.....	4
Ёмғир.....	4
Оғриқ.....	5
Кўнгил.....	6
Ишқингдан.....	6
Соғинч.....	7
Дўстимга.....	7
Ишқ.....	8
Отамга.....	9
Юксалиш.....	9
Одамзот.....	10
Тоат.....	11
Дунёдан.....	11
Ё Раббий.....	12
Ҳидоят йўли.....	12
Зарра нур.....	13
Фақирлигим-фаҳримдур.....	14
Дилим.....	14
Муслимман.....	15
Яссавиёна.....	15
Тупроқ.....	16
Бир кун.....	17
Зир титратди тавоним.....	17
Тўртликлар.....	18

Адабий-бадиий нашр

Муслим Мусаллам

ҲАЙРАТ

Шеърлар

Муҳаррир: Дилором

Техмуҳаррир: Н.Жабборов

Мусаҳҳиҳ: Д.Холматова

2005 йил 20 декабрда теришига берилди. 2006 йил 14 мартда босишга рухсат этилди. Офсет усули. Оқ қоғоз. Бичими 60x84. 1-18. Ҳажми 0,75 босма табоқ. 7542-буюртма. Адади 1000 нусха. Бадоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриети
(Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.)

Ибрат номли босмазона (Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36-уй)да чоп этилди.